



Туркистондаги рус ҳокимиятига қарши миллий ҳаракатда ислом дини моҳияти ва талаблари муҳим эди. Мусулмонлар наздида барча ғайридинлар қабил руслар ҳам «қофир» эдилар. Қофирларнинг ҳоким бўлиши мусулмонлар учун «Аллоҳнинг жазоси» маъносини англатар эди. Рус ҳокимиятини тан олмасликнинг асосий сабабларидан бири шу эди. Исломнинг маданий марказлари бўлмиш мактаб ва мадрасалар фаолиятини аввалгидай давом эттирар эди. Уларда мунтазам равишда русларнинг ислом ақидаларига қарши эканлиги таъкидлаб борилди. Бунга ишонганлар ва ишонмаганлар ўртасида мадрасаларда ажралиш юз берди. Ислом динини ҳимоя қилиш учун ҳар бир одам ўзини ҳимоя қилиши лозим эди. Рус маҳкамалари эса Туркистондаги ислом дини анъаналарини қўпориб ташлай олмас эди. Чунки исломга қарши жиддий бир сиёсат юргизиш мусулмонларнинг русларга қарши қўтарилишига олиб келарди. Руслар мадрасалар мавжудлигидан қўз юмишига тўғри келди ва улар моддий-маънавий жихатдан қўллаб-қувватланилмади. Мадрасалар илгаригидай хайриялар ҳисобига фаолият қўрсатиб турди. Мусулмон жамоалари учун мадрасаларда бир «илмий синфлар» ташкил қилинди, бироқ бу синфлар анъанага ўралашиб қолган бўлиб, замонавий илмларни эгаллашга мойиллик қўрсатмади, улар рус ҳокимиятини ислом динининг душмани сифатида рад этишар ва мусулмонларнинг руслардан узоқроқ туришини исташарди. Мадрасалардан ташқари ислом динининг турли-туман тариқатларининг аъзолари, айниқса, накшбандия ҳаракатининг вакиллари дарвешлар Исломни ташвиқ қилар, халқнинг диққатини мусулмонлик бурчларига қартиш учун у юртдан бу юртга юрар ва мусулмонларни руслар билан ҳамкорлик қилмасликка ундар эдилар. Ўша вақтларда дин аҳдларининг халқ назаридаги обрўси шу қадар қучли эдики, русларнинг мусулмонликка қарши тадбирлари қескин тус олган тақдирда, улар ҳар

дакикада бутун халкни русларга карши кўзгата олар эдилар. Туркистонлик турклар ва тожикларда ислом дини шу даражада илдиз отган эдики, «миллат» тушунчаси билан «мусулмон» тушунчаси айнан бир маънога эга эди. Улардан миллати сўралганда, «биз мусулмонмиз» дерди. Ислом дини сўзлигида «миллат» (нация), уруг кавм) ва «халк» сўзлари бўлгани холда, Туркистонда ислом дини доирасида бу ибораларни асосий планга олиб чиқиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Улар наздида мусулмон бўлиш ҳамма нарсани ифода эта оларди. Шаҳар халки билан ўтроқ аҳоли орасида исломнинг таъсири, чўл ва тоғлик аҳолига нисбатан анча кучли эди. Шу сабабли ислом дини миллий озодлик ҳаракатининг муҳим манбаи бўлди. Кўчманчилар орасидаги қаршилик ҳаракати бир уругга мансуб бўлиш гоёси билан сугорилгандир. Туркистон мусулмонлари рус ҳокимиятининг бошланишидан на Туркистон бош волилигида ва на Дашт бош волилигида марказлашган бир диний идорага эга бўлмади. Ислом масалалари алоҳида дин аҳдларининг раъйи бўйича хал қилинадиган бўлди. Русиянинг расмий сиёсати марказий мусулмон идорасига рўйхушлик бермаганлигидан дин арбоблари мусулмонларни бирлаштира олмадилар. Шу боис қаршилик ҳаракатлари маҳаллий характерда бўлди ва уларни руслар осонликча бостира олди. Мусулмон ҳаётида ҳимоякорлик ҳокимдир. Дин аҳдлари мусулмонларнинг руслар билан аралашиб кетмаслиги ва динини ҳимоя қилиши учун жон қуйдирар эдилар. Ортодоксал рус черковининг миссионерлик фаолиятига қарши дин аҳдлари анъанани қаттиқушлашга тиришдилар. Бу соҳада ниятларига эришишди. Фақат шуни айтиш керакки, дин аҳдининг бир қисми жохил эди. Чунки бу қисм ислом таълимотининг изоҳида нўнок, узокни кўра олмас эдилар. Туркистон мудоффааси асосий мавзу бўлиб турган вақтда ҳам ҳукмдорлар раъйига қарар эдилар. Мусулмонлар бирлигини сақлаш учун уларга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига ўз фатволари билан ислом бирлигини парчалашга ҳаракат қилдилар. Ҳукмдорлар эса йирик дин арбобларининг маънавий қўллаши ва йўналтириши душманга қарши қурашиш ўрнига, ўз диндошлари, юртдошлари устига лашқар тортди. Бу зиддият ҳимоя қуларининг анча заифлашувига олиб келди. Туркистон мусулмонларининг барчаси мустамлака занжирига боғлангач, дин аҳли ҳамма биргаликда қурашиши кераклигини идрок этишди, фақат энди кеч бўлганди. Босқинчилар тинч турмади. Туркистонда ҳокимиятни тўлик, батамом қўлга киритиш учун мусулмонларни бўлиб ташлашни бошлади. Мусулмонлар ҳамда дин арбоблари русларга қарши мудом имконият даражасида ҳаракат қилишни ўргандилар. Бу ҳаракат миллатни муҳофаза қилиш йўлидаги миллий қурашни ифода этарди. Маънавий ҳаёт тараккиёти давомида, айниқса, шоирларнинг мавқеи кучли бўлди. Бир замонлар машҳур бўлган Қўқон адабий муҳити жанглари ва истилочилик сиёсати натижасида парчаланиб кетди. Бу муҳит янги-дан XIX юзйилликнинг 80-йилларида шакллана бошлади. Бухоро ва Хивада эса шоирлар ўз ҳукмдорларининг паноҳида бўлганлиги учун анъанавий доирада ижод этардилар. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошла-рида бир қатор шоирлар (Ўзбекистон ССР тарихи, I, 2. - Тошкент: 1957, 105-6. «Андижон кўзғолонининг характери, шоирлари унинг халққа қарши қаратилган реакцион моҳият ташишини кўрсатди. Бу кўзғолонни «Ўзбекистон халқлари тарихи» Ж. II. биринчи нашридаги халқ миллий характерини ифода қилади, деб изоҳ қилиши мутлақо янглиш ва нотўғридир». Ражабов. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. - Ташкент: 1955, 87-6.; 1898 йилги Андижон кўзғолончилари халқ душманлари ва миллатчилар эди. Бу кўзғолон ҳақида шўро адабиётидаги 1950 йилдан кейинги ўзгаришлар борасида қаранг: Hayit, Turkestan in XX Jahrh, 262 - 263 б.) бир томондан ижтимоий муаммоларни мушоҳада қилса, иккинчи

томондан, анъ-анавий лирик шеърлар ижод килишда давом этдилар. Уларнинг ҳаммасига ҳам ўз халкининг хусусиятларини ўзига хос жихатларини талкин килиш ва замонасини танкид килиш хосдир. Туркистонлик шоирлар табиатан чуқур ва нозик туйғули, айна пайтда хофиз, бастакор ва ижрочилик қобилиятига эга бўлиб, матбуотнинг кенг тарқалмаганлиги сабабли, шеърларини чойхона-ларда, тўйларда, диний байрамларда ва оиласида шахсан ўзлари ўқирдилар. Уларнинг ёнида, фикрларини насрий шаклда қаламга олиб, сўз ўйини билан танкид қилувчи (аскиячилар), дostonчилар, окин ва бахшилар ҳам фаолият кўрсатарди. Шоирлар доирасига мансуб бундай кишиларнинг барчаси русларга қарши миллий иродани кўзгадилар, миллий онг ва қадриятларни хи-моя қилдилар. Ҳамма нарсадан халқнинг яшаб, мавжуд бўлиб қолишини устун қўйган шоирлар ва уларнинг до-ирасидагилар руслар наздида миллий озодлик қурашининг кўзга қуринмас қучларини ташкил этарди. Аммо бу шоирлар доираси XIX аср охирида икки гуруҳга бўлиниб кетди. Бир гуруҳи консерватор (мухофазакор)лик - тасаввуф, лирик-натурализм, иккинчи гуруҳ янгиланиш йўлини тутди. Рус ҳокимияти ва ислом дунёсидаги замонавий таълим-тарбия борасидаги изланишлар, айниқса, турк қавмлари (қрим, озарбайжон ва татарлар) орасидаги ўзгаришлар Туркистонда янгиланиш ҳаракатининг майдонга қелишига туртки бўлди. Туркистон зиёилари, XIX асрнинг охириларида бери таълимни янгиллаб, ёшларга замонавий билимлар бериш йўли билан миллатни ҳурриятга эриштиришни мўлжалларди. XVI асрдан бери - мадрасалар дастуридан табиий билимлар ва жуғрофия каби дунёвий илмлар чиқариб ташланганлигидан бери - Бухоро мадрасаларининг дастури мунозара мавзуси бўлиб келди (XVI аср охирига қадар ҳамма мадрасаларда табиат фанлари ўқитиларди) ва XX аср бошларига қелиб бу мунозара нисоятда кескин тус олди (Оқ подшо давридаги Туркистон миллий шоирлари рўйхатини ҳамда уларнинг гоёларини бу асарда беришни лозим кўрмадим. Чунки бу алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Умумий маълумот учун қуйидаги шоирларнинг исмини келтириш билан қаноатландим: Бердимурод Қарғабай - Бердак (1827 - 1900); Ажиниёз Қўзибой (1824 - 1878); Иброҳим Қўнанбай - Абай (1845 - 1904), Султон Маҳмуд Тўрайғиров (1893 - 1920); Нурпеис Байганин (1860 - 1945); Муҳаммад Ризо Оғахий (1809 - 1873); Саид Аҳмад Сиддикий, Шўртанбой Қанайули (1818 - 1903); Сўгинбой Аранули (1827-1886); Шенгиров Бўкей (1847 - 1920); Муқимий (1850-1903); Муҳий (1835 - 1911); Фуркат (1858 - 1909) ва б.к.). Шунинг оқибатида Туркистонда янги бир оқим вужудга келди. Янгиланиш борасида Қозон турк-лари фаолияти алоҳида аҳамиятлидир. Бухородаги каби Волга ўлкасида ҳам мадрасалар ташкил этилган эди. XVIII ва XX асрлар орасида Бухорода 60 нафар Волга турклари (татар) таҳсил кўрди. Булардан, айниқса, Шаҳобиддин Маржоний (1815 - 1889) ислохотчи сифатида шухрат қозонди (Атрофлича маълумот учун қаранг: Hayit, Turkestan in XX Jahrh, 33 - 43 б.). 1838 - 1849 йилларда Бухорода таълим олган Маржоний у ердаги ҳолатни яхши биларди. Ёт қимса бўлмаганлиги учун унинг фикрлари Туркистонда кенг ёйилди. Ундан кейин Гаспирали Исмоилбекнинг қарашлари ҳам Туркистонда кенг тарқалди. Бу фикрлар оқимидан сўнг янги мактаблар (усули жаҳид) вужудга келди. Гаспиралининг «тилда бирлик, тушун-чада бирлик ва ҳаракатда бирлик» шиори Туркистон зиёиларининг йўл кўрсатувчи машъали бўлиб қолди. Таҳминан, 1890 йилда Фарғона водийси шаҳарларида ислохотчиларнинг янги усул мактаблари очилди (Маржоний ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Von Mende. Der nationale Kampf, 32 - 43 б. Губайдулла томонидан нашр қилинган бу асар (Қозон 1913 - 1914), 639 саҳифадан иборат бўлиб, Истамбулдаги Туркия институтида сақланмоқда. Бошқа бир

нусхаси Анкара Турк културу араштира институтининг проф. Раҳмети Аретдан қолган кутубхонада.). Ислохотчи ҳаракат Хива хонлигида ҳам 1899 йилдан кескин тусда тарқалди. Бу ерда ислохот ҳаракатини «Ёш хивалиқлар» уюшмасининг тамал тошини қўйган Исмоилхўжа бошқарарди (Ғаспирали ҳақида қаранг: Edige Krimal, *Der Nationale Kampf der krimtiirken*, 1952, 9 - 32 б.; Renkovsky, *Pan-Turkizm*. 1960, 24 - 36 б.). Бухоро амирлигидаги ислохотчилик ҳаракати Аҳмад Дониш (1817 - 1897)нинг 1882 йили «Нодир воқеалар» («Наводирул-воқеа») китобининг нашр этилиши билан бошланади. Бу китобда Бухорода ҳоким бўлган тузум замонануқтаи назаридан маданий тесқаричилиги рад этилади ва Бухорода таълим-тарбия, давлат ишлари ва оила ҳаётида янгила-ниш бошлаш кераклиги талаб қилинади. Петербургга бир неча бор саёхатидан илҳом олиб (Бендриков. *Очерки по истории*, 252 б.), ўзининг чуқур, атрофлиқ билимига суянган Аҳмад Дониш Бухоро амир-ри саройидаги мавқеидан фойдаланиб, атрофдагиларга таъсир ўтқаза билди. Шу сабабли у Бухоронинг зулмат қоплаган осмонида порлаган юлдузга қиёсланарди. Дониш Бухоро ислохотчиларига ўрнак бўлди. Унинг дунёқараши ҳозиргача илмий ишлар мавзуси бўлиб қолмоқда (Самойлович. *Тайное общество младобухарцев, «Восток» 1-қисм.* - Петроград: 1922, 98 б.). Аҳмад Донишга амир саройида элчи вазифасига тенг вазифа соҳиби бўлган Шарифжон Содир Зиё (1865 - 1931) қатта ёрдам берди. Шарифжоннинг уйи қўпгина ислохотчиларнинг илҳом манбаи бўлган адабиёт уйи сифатида хизмат қилди (Дониш 1857 - 1858 ва 1874 йилларда Петербургга юборилган Бухоро элчисини қузатиб борди.). 1905 йилги рус инқилоби, Туркиядаги «Ёш турклар» ҳаракати ва 1906 йилги Петербургдаги Ислом Конгресси Туркистондаги (Бухоро ва Хива билан бирга) ислохотчиликнинг қучайишига туртки бўлди. Рус таълим маҳкамалари 1910 - 1915 йилларда Туркистонда 80дан ортиқ янги мактаблар қорлигини қайд қилди (Қуйидаги асарлар танқидий нуқтаи назардан ёндашилса, До-ниш мафқурасини аниқлаш учун аҳдмиёт қасб этади: Аҳмад Дониш. *Путешествие из Бухари в Петербург, ношир Ходизода.* - Сталинобод: 1960, Р.Ходизода, Аҳмад Дониш. - Сталинобод: 1961; ўша муаллиф, Маърифатпарвар Аҳмад Дониш. - Душанбе: 1964.). Мактабларнинг қўпчилиги рус маҳкамаларидан яширин равишда иш тутганлигини ҳисобга олсақ, бу рақам ҳақиқий миқдорга тўғри қелмаслиги аниқ. 1911 - 1912 йилларда Бухоро амирлигида 57та янги усул мактаби очилган (Шарифжон атрофидагилар қуйидагилар эди: Аҳмад Дониш, Яхёхўжа (Муллахўжа Таҳсин - шоир), Қори Абдулқарим Офарин, Азизхўжа (мударрис). Қиёсланг: З.Раджабов. *Видающиеся просвители таджикского народа*, Аҳмад Дониш, Сталинобод, 1961, 84-85 б.; С.Айний, Ёддошо, Ш. Сталинобод, 1955, 7 - 31 б. Бу ислохотчи адабиётчилар 1891 - 1892 йилларда Латифжон маҳдумнинг уйи-да тўпланишиб, бир давра вужудга қелтирганлар. Бу даврага зикр этилганлардан бошқа: Абдулмажид Зуфунун (шоир, астролог, табиб, танқидчи). Содикхўжа (1910 ўл.). Мирза Азим Сомий (шоир, 1907 ўл.), Мирза Хайит Саҳбо (шоир, 1908 йили амир ўлимга ҳукм қилган). Қори Қаромат Дилқаш Шамсиддин Шохин (1857 - 1894], Хайрат (1878 - 1902) аъзо эдилар. Қаранг: С.Айний, Бухара, *Воспоминания.* - Москва: 1961, 235-252 б.). Бу мактаблар бир томондан, янгиликка қарши бўлган маҳаллий дин аҳдларининг фанатиклиги, иккинчи томондан, сиёсий сабаблар туфайли йўқ қилмоқчи бўлган русларнинг таъйиқи остида оёққа турди. 1909 йили бош воли Самсонов Русия маориф нозирига шундай ҳисобот беради: «Табиий, маҳаллий мусулмонларнинг зиёли қисми, бу ердаги «маданият тарқатувчилар» - Волга ва Қрим татарлари ва мамлакатга қириб қелган Турк ташвиқотчилари таъсирида маҳаллий мактабларда таълим аномал эканлигини тушунадилар. Шунинг учун ҳозирги мактаблар

ўрнига янги усул (усули жаид) мактабларини кенг тарқалишига гайрат билан киришганлар. Бу янги мактабларда эски мактаб-мадрасаларга мутлақо нотаниш бўлган арифметика ва ҳозирги география дарслари ўқитилади». Самсонов янги мактаблар сепаратизмни ва миллий фикрларни тарқатувчиси эканлигини тасдиқлайди. У ўз рапортини шундай тугатади: «бу мактаблар фаолияти давом этса, келажакда факат панисломизмнинггина манбаи бўлиб қолмай, пантуркизм ва панисёнчилик гоёларининг ҳам ўчоғи бўлиб қолади» (Булардан: Фарғона вилоятида 28, Сирдарё вилоятида (Тошкент шаҳри билан) 40, Самарқандда 5, Ёттисув ўлкасида 7 мактаб бор эди. Қаранг: Бендриков. Очерки по истории. 260-6.). 1911 йили Русия ички ишлар нозири Маклаков мусулмон ўқув юртларини миллийлаштиришга, яъни миллий тус берилишига қарши тадбирлар қўллаш ҳақида фармон берди. 1912 йил январида Самсонов бир кўрсатмаси билан янги усул мактабларини «мустаҳкам-лаш учун» уларда рус тили ўқитилишини жорий қилди. Айни замонда панисломизмнинг (Бендриков. Очерки по истории, 260-6.; Бухородаги янги усул мактабларининг асосчилари: Абдувоҳид Бурҳон, Усмонхўжа, Муқомил Бурҳон, Хомхўжа. Қиёсланг: Ҳоджаев, К истории, 15-6.) олдини олиш баҳонаси билан янги усул мактаблари полиция назорати остига олинди. Рус босқинига қарамай, Туркистондаги ислохотчилар ҳар соҳада олдинга силжишга эришдилар. Туркистоннинг газеталари (Бендриков. Очерки по истории. 277-6.), тўпламлари ўз шоир ва ёзувчи-лари (Русия ички ишлар нозирлиғи амният шўъбаси 1910 йил 18 декабрда панисломчиларни таъқиб қилиш ҳақида фармон берди. Бу шўъбанинг фикрича, панисломизм гоёси 1884 - 1885 йилларда «Иттиҳоди ислом» номи билан Африқада, яъни Ҳабашистон билан Судан ўртасида юзага чиққан. Бу гоё асосчиси Жазоирлик француз руҳонийси Шайх Умар (Е.Рубине) эди. Қиёсланг: Аршаруни - Ғабидуллин Очерк панисломизма и пантуркизма в России. - Москва: 1931, 101-6, Исломнинг маънавий ҳаётини рус давлатида давом эттириши мусулмонларнинг табиий бир ҳуқуқи бўлгани ҳолда рус хўжайинлар бунини панисломизм деб баҳоладилар. Шояд панисломизм француз миссионер Рубинедан бошланган бўлса, бу гоё Туркистонда сезилмасди. Ислохотчилар айна пайтда панисломчи эканлигини далилловчи манбалар ҳам йўқ. Руслар панисломизм ва пантуркизмга қарши қурашиш баҳонаси билан Туркистонни гоёвий жихатдан руслаштириш қаби амалий мақсадини амалга оширишни мўлжалларди. Ф.Ҳоджаев, Джадидизм («Очерки революционного движения в Средней Азии»). - Москва: 1926, 11-6: «Жадидизм - янгиланиш ҳаракати қаршисида давлат қучи полицияси, қўшини ва ҳисобсиз ташкил қилинган руҳонийлар бор эди»), ёрдамида Русия билан бўлаётган маънавий қурашнинг кўз илғамас манбаига айланиб қолди. Бухоро ва Ҳивадаги миллий зиёлилар янгиланишга эришиш учун аввал конституцион монархия тузумини яратишга интилдилар. Ҳуқмрон синфнинг бу фикрга қарши чиқиши натижасида 1917 йил февралдан сўнг мақсадга инқилоб йўли билан етишишга қарор қилиб, амир ва хонни тахтдан туширишни режалаштиришди. Бу ҳаракатлар 1918 йилдан сўнг, асосан, Бухоро ва Ҳива давлатчилиғига қарши қаратилган бўлса ҳам, аслида Совет Русиясига урушда қатта ёрдам бўлди (Ислохотчиларнинг газета ва жаридлари қуйидагилар: «Та-раққий» (1906) Ҳуршид (1906 - 1907), Шухрат (1907 - 1908), Осиё (1906), Бухорои шариф (1912 - 1913), Турон (1912 - 1913), Са-марқанд (1914), Садои Фарғона (1914-15); Садои Туркистон (1914- 1915), Айқар (1911 - 1915), Ойна (1913 - 1915), Ислох (1915), Қа-зақ (1913 - 1918). Атрофлича маълумот учун қаранг: Bennigsion et Lemirier-Quelquejoy, La Presse, 150-169., Togan, Bugiinkii, 504-560 б., Hayit, Turkestan im XX Jahr, 38-39 б. Туркистонда ислохот тушунчасининг ёйилишида «Таржимон», «Вакт» рўзномалари ва

«Шўро» жаридалари катта роль ўйнадилар.). Бу ҳаракатнинг йирик йўлбошчиларидан бири бўлмиш Файзулла Хўжанинг фикрига кўра, ислохот ҳаракати «демократия мафкураси» (Ислохотчи адабиёт доирасида куйидаги шоирлар алоҳида шухрат қозондилар: Муқимий, Фуркат, Завкий (1853 - 1921), Аваз Ўтар (1884 - 1919), Садриддин Айний (1878 - 1954), Фитрат (1884 - 1938), Ҳакимзода Ниёзий (1889 - 1929), Абай, Мир Якуб Дулат (1885- 1937), Муҳаммад Ризо Муҳий (1835 - 1911), Тавалло, Мискин Қилич (1845 - 1905), Муҳаммад Очил Муродўгли - Мирий (1898), Саидах-мадхўжа Сиддикий, Тугулок Мулда (1860 - 1942), Сотилгон Тўхтагул (1864 - 1930), Мўлда Қилич (1860 - 1917), Аҳмаджон Али-Табиий (1910 ўл.), Мулла Абдушукур-Сарёмий (1840 - 1912), Муҳаммад Пасул Мирзо (1840 - 1922), Сирожиддин Шавкат (1882 - 1934), Қаримбек Шоқирбек Қамий (1866 - 1923), Баёний (1858 - 1923), Қўшок Тошмуҳаммад Мискин (1880 - 1937), Муҳаммад Қилич Бечорий (1922 ўл.), Сирожиддин Сиддикий-Хондайликий (1882 - 1934) ва б.к. Булар халқни маърифатини оширишда етакчилар бўлганлиги учун уларнинг асарларига ўзига хос мезон билан баҳо бериш лозим.) бўлиб, XX асрнинг 30-йилларигача ёшларни тарбиялаш воситасида миллий озодликка эришиш учун интилиш эди. Аммо чор ва совет руслари бу ҳаракатни «панисломизм ва пантуркизм мафкураси» деб баҳоладилар (Бухоро муаммолари ва Бухородаги ислохотчилар ҳаракати ҳақидаги энг яхши тадқиқотлардан бири бўлмиш Helene Carrere D'Encausse et revolution chez les Musulmans de e Empire Russe, Bukhara-ning эга 1867 - 1924 номли асари (Paris, 1966, 312-б.) дир. Адиб ис-лохотчилик ҳаракатини алоҳида ўрганиб (131 - 248 б.), «Ҳадидлар билан болшевиклар ҳамкорлиги» мавзусини танқид қилган (225 -248 б). Бухоро ҳадидлари билан шўро ҳукумати ҳамкорлиги ҳақида Ф.Хўжаевга (Қ тарихи, 40 - 76 б) мурожаат қилиш мумкин. Ҳиёдаги ҳадидчилик ҳаракати ҳақида манбалар жуда кам.). Бу ҳаракат Совет Русияси ҳокимлиги даврида Совет тузумига, коммунистик мафкурага зарар етказувчи ҳолат сифатида қатъий равишда олди олинди ва аъзолари таъқибга учради. Шу билан баъзи совет тарихчилари, адабиётчилар ва давлат арбоблари, ҳозирга қадар ислохотчилар ҳаракатига бир томонлама баҳо бердилар ва бериб келмоқдалар (Файзулла Хўжаев фикрича, ислохотчилик ҳаракатининг мақсади Ғарбий Оврўпо бичимидаги демократик тузум ва тараккиёт эди. Қаранг: Туркестанский. Кто такие бмили джадиди, - Ташкент: 1926, 20-6.).

Др.Боймирза Ҳайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан